



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 29 » декабрь

№ 812

Toshkent sh.

### Автомототранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш фаолиятини қўллаб-кувватлаш, электромобиллар ва мототранспортлардан фойдаланиш, шунингдек, велосипедда мамлакат бўйлаб ҳаракатланишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Автомототранспорт воситаларини ёллаш ва ижарага бериш бўйича хизмат кўrsatiш соҳасини янада ривожлантириш, электромобиллардан фойдаланишни қўллаб-кувватлаш, велосипедда ҳаракатланишни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, велоинфратузилмани ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Халқаро амалиётга мувофиқ, жисмоний шахсларга, шу жумладан чет эл фуқароларига автомототранспорт воситаларини ижарага ва прокатга бериш бўйича хизматларни кўrsatiш фаолияти каршеринг деб эътироф этилиши маълумот учун қабул қилинсин. Бунда автомототранспорт воситалари уларни ижарага ва прокатга бериш хизматларини кўrsatuvchi юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши, шунингдек, кейинчалик учинчи шахсларга автомототранспорт воситаларини ижарага ва прокатга бериш хизматларини кўrsatiш учун жисмоний шахслар томонидан уларга берилиши мумкин.

2. 2021 йил 10 январдан бошлаб каршеринг ташкилотларига нотариал расмийлаштирумасдан ва ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказмасдан йўловчилар автотранспорти ва мототранспорт воситаларини жисмоний ва юридик шахсларга 30 кунгача муддатга қисқа муддатли ижарага бериш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

каршеринг ташкилотларининг автомототранспорт воситалари Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган талабларга мувофиқ **маҳсус таниқлик белгига** эга бўлиши шарт;

автомототранспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш бўйича фаолият **Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига** киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) каршеринг ташкилотларидан автомототранспорт воситаларини ижарага олган шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида каршеринг ташкилотларига Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг **“Маъмурий амалиёт” автоматлаштирилган ахборот тизими**га кириш имкониятини тақдим этилишини таъминласин;

б) каршеринг ташкилотларидан автомототранспорт воситаларини ижарага олган шахслар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотларни **“Маъмурий амалиёт” автоматлаштирилган ахборот тизими**га тезкорлик билан киритиш бўйича ишларни кучайтирсин;

в) Транспорт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қуидагиларни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

қоидабузар мижозларнинг хатти-ҳаракатидан, шу жумладан улар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун каршеринг ташкилотларининг **хукуқларини ҳимоя қилишнинг ҳукуқий кафолатларини** кучайтириш;

каршеринг ташкилотларининг автомототранспорт воситаларини **тўхташ жойларига етказиш, жойлаштириш ва сақлаш** шароитларини яратиш.

5. “Ўзвастосаноат” АЖ халқаро консалтинг ташкилотлари ва хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 февралга қадар лойиҳаларни амалга ошириш аниқ муддатлари, ишлаб чиқариш қуввати, молиялаштириш микдори, давлат томонидан бериладган кўмаклар ва бошқа маълумотларни назарда тутган **“Ўзвастосаноат” АЖ корхоналарида фақат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ишлаб чиқариш концепцияси** лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда **фақат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган автомототранспорт воситалари** республика ҳудудида харид қилинганда ва (ёки) вактинчалик олиб кирилганда уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишида автомототранспорт воситалари эгалари (улардан фойдаланувчилар) томонидан тўланадиган йиғимларни бекор қилишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда икки ой муддатда халқаро амалиётни ўрганиш асосида замонавий технологик тизимлардан фойдаланган ҳолда **факат электр двигатель орқали ҳаракатланадиган автомототранспорт воситалари**га хизмат кўрсатиш бўйича зарядлаш терминалларини ўрнатишни ташкил қилиш бўйича “йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргалиқда икки ой муддатда бутун мамлакат бўйлаб ўрнатилган мототранспорт воситаси ва велосипедда ҳаракатланишни тақиқловчи йўл белгиларини танқидий таҳлил қилсин ҳамда тегишли ҳаракат йўналишлари бўйлаб мазкур белгиларни олиб ташлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан биргалиқда бир ой муддатда аҳоли орасида **мототранспорт воситаларининг афзалликлари ва арzonлиги** тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкиллаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги мамлакатда **велосипед транспорти, велоинфратузилма, велошеринг (байкшеринг) фаолиятини (ижарага бериш) ривожлантиришни режалаштириш** бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ва Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ҳар томонлама кўмак кўрсатсин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда 2021 йил 1 февралга қадар, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида велосипед транспортини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини** (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

**велосипедда ва бошқа шахсий воситаларда ҳаракатланиш имконини берувчи тўсиқсиз ва хавфсиз муҳитни** (тартибга солинадиган ва солинмайдиган йўл кесишимлари, Йўл ҳаракати қоидаларига зарур

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, велойўлкалар, велошоссе, светофорлар, йўл белгилари, велосипедларни тўхтатиб қўйиш жойлари, велосипедларни сақлаш учун ишончли шароитлар ва бошқалар), шу жумладан давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали яратиш;

туристик шаҳарлар, дам олиш зоналари, қўриқхоналар ва мамлакатимизнинг бошқа маданий мерос объектларини боғловчи **велосипедлар магистраллари миллий тармоғини босқичма-босқич барпо этиш**;

**шаҳарлар ва ҳудудларни велосипедлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш ва уларни ҳар йили мониторинг қилиш учун мезонлар (индикаторлар) жорий этиш** (бир йилда велосипедлар иштироқида юз берган йўл-транспорт ҳодисалари сони, аҳолининг муайян сонига нисбатан велосипедчилар сони, тоифалар бўйича велосипед йўлкалари, велочорраҳалар, велосипед қўйиш жойлари ва улардаги тўхтаб туриш жойлари);

велосипедда ҳаракатланиш, велосипед транспорти ва шахсий ҳаракатланиш воситаларининг **инсон саломатлигини мустаҳкамловчи транспорт тури**, шунингдек, экологик тоза ҳаракатланиш воситаси сифатида оммалаштириш ва тарғиб қилиш;

велосипедда ҳаракатланишни, шу жумладан велосипедлар ва уларнинг бутловчи буюмларини харид қилишда давлат томонидан қўллаб-куvvатлаш;

аҳолида **велосипедчилик маданиятини шакллантириш**;

**Бутунжаҳон велосипед куни ва Европа ҳаракат хафталигига бағишиланган йирик веломарафонлар, велосипедда йўл босиб ўтиш ва бошқа тадбирларни ўtkазиш.**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасида велосипед транспорти ва велоинфратузилмани ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишига ҳамда велосипед транспортини оммалаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва доимий мониторинг қилишига масъул бўлган органлар ва ташкилотлар вакиллари орасидан ишчи гуруҳи ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси С.М.Рустамбоев Дастур лойиҳасини тайёрлаш доирасида:

ишлаб чиқувчиларга велосипед транспорти ва велоинфратузилмани, айниқса коронавирус пандемияси даврида ривожлантириш бўйича француз тажрибаси билан танишишда қўмаклашсан;

француз ҳукумати билан Ўзбекистонда велосипед транспорти ва велоинфратузилмасини, шу жумладан велосипед ишлаб чиқарувчиларни ва ушбу соҳада хизматлар кўрсатувчи бошқа компанияларни жалб қилиш орқали ривожлантириш борасида икки томонлама яқин бизнес ва ишчи алоқаларини ўрнатиш масаласини кўриб чиқсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги оилавий поликлиникалар ҳамда профилактика инспекторларини велосипедлар билан жиҳозлаш чораларини кўрсинг.

13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуийдагиларни киритсинг:

енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги янгиланган низом лойиҳаси;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ва транспорт вазирининг вазифасини бажарувчи И.Р. Маҳкамов зиммасига юклансинг.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов

